

Қахрамон Ражабов



**НУРИДДИН
МУҲИТДИНОВ**





XX аср Ўзбекистон раҳбарлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти

Қаҳрамон Ражабов

НУРИДДИН МУҲИТДИНОВ

«Ilm-ziyo-zakovat»

Тошкент-2019

О'К (УДК) 821.222.1

КВК (ББК)

Нуриддин Мухитдинов. Қаҳрамон Ражабов. Рисола . «Ilm-ziyo-zakovat»
нашриёти, Тошкент, 2019. 40 б.

Масъул муҳаррир:

Рашиан Абдуллаев, тарих фанлари доктори

Тақризчилар:

Абдулла Расулов, тарих фанлари доктори, профессор

Шухрат Эргашев, тарих фанлари номзоди

Баҳодир Пасилов, тарих фанлари номзоди

Мазкур рисолада таниқли давлат ва сиёсат арбоби, узбек дипломати Нуриддин Акрамович Мухитдинов (1917-2008) ҳаёти ва фаолиятининг асосий жиҳатлари ёритилган. Бу китоб Ўзбекистон тарихи ва сиёсий лидерлар фаолияти билан кизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган.

Бу китоб Ўзбекистон ФА Тарих институтида 2018-2020 йилларда бажариллиши мўлжалланган “Ўзбекистон раҳбариятининг 1945 – 1983 йиллардаги ижтимоий-сиёсий фаолияти” номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилди.

Мазкур китоб Ўзбекистон ФА Тарих институти Илмий кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 15-қарори баённомасига асосан нашр этилди.

ISBN 978-9943-6033-4-9

© Н.Мухитдинов, 2019.

© «Ilm-ziyo-zakovat», Тошкент, 2019.

ХАЛҚҚА БАХШИДА УМР

Таниқли давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек дипломати Нуриддин Ақромович Муҳитдиновнинг фаолияти таҳсинга сазовор бўлиб, у Ўзбекистонга ва мамлакатга сиёсий раҳбарлик қилган давр - XX аср 50 – 60-йиллари ўзбек халқи ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди.

Н.А. Муҳитдинов Тошкент шаҳридаги Аллон маҳалласида 1917 йил 19 ноябрда боғбон оиласида туғилди. Отаси Шомуҳитдин ака ўз даврининг илғор фикрли кишиси эди. Бошланғич мактабда ўқиш билан бирга араб, турк ва рус тилларини ҳам пухта ўрганди. Унинг шахс сифатида шаклланишида Абдулла *Авлоний* ва Абдулла *Қодирий* катта таъсир курсатишди. Москвадаги савдо-кооператив институтини тугатиб (1938), Бухорога йўлланма олди. У вилоят матлубот союзи кадрлар бўлими бошлиғи Уринбосари ва Шофиркон туманидаги ўқув комбинатининг раҳбари вазифаларида ишлади.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Н.Муҳитдинов кўнгилли равишда армияга жўнайди. Киевдаги махсус ҳарбий мактабда таълим олди (1939). 1941-45 йилларда ҳаракатдаги армия сафида бўлиб, фашизмга қарши курашда фаол қатнашди. Тошкентга қайтиб келгач (1946), унинг шиддатли сиёсий фаолияти ва партиявий карьераси бошланди. Наманган вилояти партия комитети котиби ва биринчи котиби (1947-50), Ўзбекистон Компартияси МК котиби (1950-51), Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси (1951-53; 1954-55), Ўзбекистон Ташқи ишлар министри (1953-54), Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби (1955-57), КПСС МК котиби (1957-61) ва бошқа масъул лавозимларда хизмат қилди. КПСС МК Президиуми аъзоллигига номзод (1956-57), Президиум аъзоси (1957-61).

Н.Муҳитдинов миллий раҳбар ходимлар орасида одамларни ишонтира олиши, республиканинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини яхши билиши, ўзбек ва рус тилларида равон ва маънодор сузлаши, нотиклик маҳорати билан алоҳида ажралиб турарди. У республикага раҳбарлик қилган ва Москвада ишлаган йилларида Марказ олдида Ўзбекистон халқ хужалигидаги турли муаммоларни дадил қўйиши ва ижобий ҳал этилиши учун фаол курашганлиги билан республика аҳолиси уртасида ҳақли равишда кучли меҳр-муҳаббатга сазовор бўлди. Ўзбекистон зиёлиларининг I қурултойи (1956 йил октябр)да

Н.Мухитдинов қилган маърузада¹ XX асрнинг 30-йилларида қатағон қилинган Абдулла Қодирӣ, *Фитрат*, *Ҷултон*, Акмал Иқромов каби жадиidlар, миллий зиёлилар ва сиёсий арбобларнинг номлари илк марта тилга олинди. Қатағон қурбонларининг пок номлари оқланиши ва қайта тикланишида у катта жасорат курсатди.

КПССнинг XXII съезди (1961 йил октябр)да КПСС МК Биринчи секретари Никита Хрушчевнинг талаби билан Н.Мухитдинов мамлакат олий раҳбарияти таркибига киритилмади. У Центросоюз бошқаруви раиси уринбосари (1962-66), СССР Министрлар Совети Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар комитети раисининг биринчи уринбосари (1966-68), СССРнинг Суриядаги элчиси (1968-77), СССР савдо-саноат палатаси раисининг уринбосари (1977-85) каби лавозимларда фаолият курсатди.

Москва ва хорижий мамлакатлардаги узоқ йиллик фаолиятдан сўнг Н.Мухитдинов Тошкентга қайтиб келди (1986 йил март). Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг маслаҳатчиси (1986-87) сифатида XX аср 80-йилларининг охирида республикада етилган муаммоларни ҳал қилишда, мустақилликни қўлга киритишда жонбозлик қилди. Ўзбекистон “Ёдгорлик” тарихий-маданий мерос жамияти (ҳозирги “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси) раиси (1987-96), бош маслаҳатчиси (1996 йил 29 июлдан). У жамоат ишлари билан биргаликда кизгин ижодий фаолият билан ҳам шуғулланган. “Кремлда утган йилларим” номли хотиралари Тошкент ва Москвада ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди (1994-1995). Бошқа асарлари ҳам мавжуд. У СССР, Сурия, Грузия, Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг турли орден ва медаллари билан тақдирланган².

Н. Мухитдинов оғир хасталикдан сўнг 91 ёшида Тошкент шаҳрида 2008 йил 28 августда вафот этди ҳамда Чигатоӣ қабристонида дафн этилди. Унинг қабри устида хотира лавҳаси ўрнатилган.

Шундай қилиб, Нуриддин Мухитдинов ўз ҳаётини халққа бахшида этди. Унинг порлоқ ва нурли сиймоси бугунги кунда ҳам ўзбек халқига хизмат қилишнинг намунаси бўлиб келмоқда. Биз бу улуг инсон ва таниқли давлат арбоби ҳақида куплаб мақола ва китоблар ёзишимиз, диссертация тадқиқотлари яратишимиз ҳамда хужжатли ва бадний фильмлар суратга олишимиз керак.

¹ Каранг I съезд интеллигенции Узбекистана (11 – 13 октября 1956 года). Стенографический отчет. –Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. – С. 8-65.

² Ражабов Қ. Халққа бахшда умр (Н.Мухитдиновнинг нурли сиймосисига чизгилар) //“Muhofaza+” (Тошкент), 2019. № 1. –Б. 28.

НУРИДДИН МУХИТДИНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН МИЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАРНИНГ ОҚЛАНИШИДАГИ РОЛИ

СССР тарихида 1956 йил кескин узғариш йилларидан бири бўлган, хусусан, Ўзбекистон ССР тарихида ҳам. 1956 йил февраль ойида КПССнинг XX съезди бўлиб ўтди, унда шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари ҳақидаги масала муҳим урин олди. Н. Хрущёв бошчилигидаги партия сиёсий раҳбарияти Иттифокда ва социалистик лагерга аъзо бўлган мамлакатларда авторитети нуфузли бўлган И. Сталинни қаттиқ танқид қилди. Съезд Сталин шахсига сиғиниш ҳолати ва унинг оқибатларини қоралади. 1956 йил 30 июнда “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари ҳақида”ги КПСС МКнинг қарори қабул қилинди. Унда шахсга сиғиниш ҳолатларининг пайдо бўлиш сабаблари ва намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда оқибатлари ҳақидаги саволларга жавоб берилди.³

Лекин шахсга сиғинишни фош қилиш ва қоралаш, яъни зиддиятли тарихий жараёнларга баҳо бериш “синфий ёндашиш” доирасида амалга оширилди. СССР тарихида XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида, айниқса, 30-йилларда руй берган хатолар ва фожиалар, сиёсий қатағонлар совет сиёсий режимига эмас, балки Сталинга юклатилди. Шубҳасиз, Сталин ва унинг атрофидагилар Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ва жамоалаштиришни амалга оширганда, жадид тараққийпарварлари ва миллий ватанпарварлари, ўзбек зиёлиларини, миллий сиёсий арбобларни ва оддий инсонларни оммавий равишда қатағон қилишда фожиавий роль ўйнаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Нуриддин Мухитдинов мазкур даврдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга, Марказнинг республикага нисбатан бўлган сиёсати ва улар ўртасидаги муносабатга баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Партия XX съезди ва Хрущёв даврининг “илиқлиги” купгина жиддий, гоҳо зиддиятли муаммоларни юзага келтирди. Уларнинг айримлари эски бўлиб, айримлари эса янгидан пайдо бўлаётганди; илгари биз бу муаммоларни сезмасдик, гўё уларни йук деб ҳисоблардик. Жамиятда ихтилоф, миллий адоват келтириб чиқармаслик биз учун муҳим вазифа эди. Устига - устак илгари

³ История Коммунистической партии Советского Союза. – Москва: Госполитгиздат, 1959. – С. 643 – 644.

мамлакат чекка улкаларининг миллий келиб чиқиши, диний, ўзига хос хусусиятларига зарур даражада эътибор берилмасди, буларнинг ҳаммаси улуғ давлатчилик сиёсати ва Сталиннинг ҳокимияти билан тенглаштириб юборилганди”⁴.

Мазкур даврда ўзбек халқининг кузга қуринган сиёсий давлат раҳбарларидан бири бўлган *Нуриддин Аҳромович Мухитдинов* КПСС XX съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари бўла туриб, КПСС МК Президиуми аъзоси номзодлигига сайланган. КПСС МКнинг декабрь пленумида (1957 йил) эса у Президиум аъзоси ва КПСС МК секретари этиб сайланади.⁵ Нуриддин Мухитдинов 1951 – 1953 ва 1954 – 1955 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ҳамда 1957 – 1961 йилларда КПСС МК Президиуми аъзоси ҳамда КПСС МК идеология секретари каби масъул лавозимларда ишлаган эди. У ўзбек зиёлилари оқланишида ташаббускорлик кўрсатди. Пахта харид нарҳини оширишни Марказ олдига қўйиб, у буни ҳам удалади⁶.

Н. А. Мухитдинов ўзининг хотираларида Марказдаги фаолияти давомида ўзи дуч келган миллий республикалар билан Марказ, жумладан совет сиёсий раҳбарияти билан маҳаллий раҳбарлар ўртасида мавжуд бўлган зиддиятлар ҳақида фикр юритган. Совет сиёсий раҳбарлари бўлган, улуғ давлатчилик шовинизми маддоҳлари М. А. Сулов, А. И. Микоян, Ф. Р. Козлов КПСС Марказий Комитети Президиумида катта таъсир кучига эга бўлиб, улар совет давлатининг раҳбари Н.С. Хрушчевнинг бевосита маслаҳатчилари эди. Ушбу раҳбарлар билан Н. А. Мухитдинов ўртасида КПССнинг XXII съездида материаллар гуллаш жараёнида сиёсатнинг баъзи бир принципиал масалаларида, айниқса, мафкура, миллий кадрлар ва республикалар, Осиё ва Африка қитъаларидаги баъзи мамлакатларга нисбатан муносабатлар ва бошқа масалаларда низолар кескинлашиб кетади.

Н. А. Мухитдинов КПСС Дастури лойиҳасига М.А. Сулов томонидан киритилган СССРда миллатлар ва уларнинг тиллари қўшилиши жараёни юз бермоқда, бир тилда гаплашувчи, ягона умумий маданиятга эга миллат вужудга келмоқда, деган қоидага

⁴ *Мухитдинов Н.* Кремлда ўтган йилларим. (Сталин, Маленков, Хрушчев, Брежнев, Андропов билан биргалакда ишлаган уруш, меҳнат ва партия фахрийси эсдаликлари). 1 китоб. КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий Бюроси фаолияти (50-йиллар). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – Б. 273.

⁵ *Мухитдинов Н.* Кремлда ўтган йилларим. 1 китоб. – Б. 5.

⁶ *Rajabov Q., Zamonov A.* O‘zbekiston tarixi (1917 – 1991 yillar). 1-nashri. –Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – B 110 – 111.

кескин эътироз билдиради. У бунга зид матнни тақдим қилади. Президиумда иккаласининг ҳам фикрини тинглашгач, матнда... Суловнинг концепциясини учуриб ташлашади. Бироқ кейинчалик Сулов “Н.С. Хрушчев, Президиумдаги қатор аъзоларнинг розилигини олишга ва Дастурга ҳеч бир тарихий амалиёт билан асосланмаган СССРда янги тарихий муштарақлик – совет халқи вужудга келди, бизда социализм узил-кесил ғалаба қозонди, коммунизмга ўтиш даври бошланди”, – деган мазмундаги бандни киритишга муваффақ бўлади.⁷

Шуни таъкидлаш лозимки, шахсга сиғиниш қоралангандан сўнг, Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида қатағон қилинган шахсларни оқлаш (реабилитацияси) билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. А. Икромов каби давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар Абдулла Қодирий, Фитрат, Чулпон ва бошқаларнинг номлари оқланди. 50-йилларнинг бошларида сиёсий қувғинда бўлган ёзувчи ва шоирлар Саид Аҳмад, Шухрат, Максуд Шайхзода ва бошқалар ҳам реабилитация қилинди.

Ўзбекистонда қатағон қурбонларининг пок номлари оқланишида ва қайта тикланишида Н.Мухитдиновнинг ташаббусини алоҳида қайд этиш мумкин. Хусусан, 1954 йилда Москвада КПСС МК Биринчи секретари Н.Хрушчев билан учрашиб, қатағон қилинганларни оқлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш истагини билдиради. Ўз эсдаликларида Н.Мухитдинов Н.Хрушчев бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, унга ёрдамлашиш учун КПСС МК секретари П.Н.Поспеловга топшириқ берганини эслайди: “Пётр Николаевич, мунинг ҳузуримда Тошкентдан келган Н.Мухитдинов ўтирибди. Уни танийсиз. У 30-йилларда қатағон қилинганларнинг ишлари билан қизикади. Фикримча, тўғри қилади. Сиз ўттиз еттинча йил ёзида Икромовнинг иши қурилган Сиёсий бюро мажлислари баёнини қўриб чиқишда унга ёрдамлашинг”⁸.

Н. Мухитдиновнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 1956 йил 11-13 октябрда Ўзбекистон зиёлиларининг I қурултойи бўлиб ўтади. 30-йилларда қатағон қилинганларнинг аксариятини айнан зиёлилар – давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, илмий соҳа вакиллари ташкил этгани учун ҳам ушбу қурултойнинг асосий моҳияти қатағон

⁷ Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. I китоб. – Б. 5 – 6.

⁸ Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1995. –Б.155.

қурбонларини оқлашга йўналтирилади⁹. Н.Мухитдинов ўша пайтдаги базиятчи эслар экан: “Қатагон қурбонлари ҳақида матбуотда кенг тарзда гапирилмас, баъзан қисқа ахборотлар бериларди. Зиёлилар съездда биз бу ҳақда мамлакатда биринчи бўлиб, очик айтишга қарор қилдик”¹⁰. Ушбу курултойда – Абдулла Қодирий, Фитрат, Чулпон, Акмал Икромов каби жадиждларнинг номлари илк бор тилга олинади. Н.Мухитдинов курултойда нутқ сузлайди ва ушбу маъруза оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Жумладан, “Ўз асарларида хато ва нуқсонларга йўл қўйганлари ҳолда, душманлик ниятида бўлмаган ва давлатга қарши иш қурмаган ҳамда халққа нисбатан хоинлик қилмаган ёзувчи ва шоирларни оқлаш, уларнинг энг қимматли асарларини қайтадан нашр этиш керак.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) каби машхур ўзбек ёзувчисининг жиноятчи бўлганлигига ишониш қийин! Абдулла Қодирийни оқлаш ва унинг бир қатор машхур асарларини қайтадан нашр этиш керак”¹¹.

Ноҳақ айбланган ва номлари қораланган юртдошларимизни оқлаш ва адолатни қарор топтириш борасида Н.Мухитдиновнинг курултойда сузлаган маърузасида нафақат ёзувчи ва шоирлар, балки сиёсат арбоблари ҳам қуйидагича тилга олинади: “Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тақдимига биноан яқинда қуйидаги ходимлар асосиз айбланганликлари учун батамом оқландилар:

Болтабоев – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари.

Исломов – собиқ молия комиссари,

Исломов – собиқ ер ишлари халқ комиссари,

Ортиқов – Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари,

Исроилов – Хоразм округ партия комитетининг собиқ секретари,

⁹ Рашидов Ш. Нуриддин Мухитдиновнинг қатагон қилинганларни оқлашдаги ташаббуси // “Қуйи Зарафшон воҳасида амалга оширилган қатагонлик сиёсати ва унинг оқибатлари масалаларини уқитишнинг самарали усуллари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами (2019 йил 25 июнь). – Навоий, 2019 –Б. 123-125.

¹⁰ Мухитдинов Н. Кремлда утган йилларим (Эсдаликлар). 1 ктиоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. –Б. 268.

¹¹ Нуриддин Мухитдиновнинг 1956 йил 11 октябрда қилган маърузаси // Қизил Ўзбекистон. №242. 1956 йил 13 октябрь.

Болтаев – Қорақалпоғистон область партия комитетининг собиқ секретари,

Усмонов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ булим мудир,

Берегин – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ булим мудир,

Ҳасанов – “Правда Востока” газетасининг собиқ маъсул редактори,

Манжара – Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети раисининг собиқ уринбосари,

Шодиева – Молотов район партия комитетининг собиқ биринчи секретари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Икромовнинг иши ҳозирги вақтда урганилмоқда.

Бу кишиларнинг қўшлари миллатчиликда нотўғри айбланганлиги аниқланди, ҳозир улар оқландилар ва раҳбарлик вазифаларида ишламоқдалар¹².

Н.Муҳитдиновнинг жасорати, шахсий ташаббуси ва ҳаракатлари эвазига бир қанча олимлар, шоирлар, ёзувчиларнинг устига қўйилган нотўғри айблов олиб ташланади ва улар турли лавозимларга қайта ишга тикланади.

Бундан ташқари, Н.Муҳитдинов 1950 йилда ўзбекистонлик бир гуруҳ фан, маданият ва санъат арбобларидан 60 нафарини навбатдаги қатағондан сақлаб қолади. Н.Муҳитдинов Москвага бориб, ВКП(б) МК Сиёсий бюроси аъзоси, ВКП МК секретари, СССР Министрлар Совети раисининг уринбосари Георгий Маленков билан учрашади ҳамда рўйхатдагиларни ҳимоя қилади. У ўзининг мемуар асари “Река времени” китобида бўлган воқеани қуйидагича хотирлайди: “Георгий Максимилианович, агар рўйхатдагиларнинг ҳаммаси жазоланса, Ўзбекистон Компартияси ким билан ишлайди? Ахир зиёлиларсиз республикани бошқариб бўлмайдику. Ўзбек халқи тарихида қўлаб олим, ёзувчи, шоир ва санъаткорлар бўлган. Лекин, айни дамда, уруш асоратларини бартараф этиш учун биз уларнинг ҳар бирини қадрлашимиз керак¹³”.

¹² Нуриддин Муҳитдиновнинг 1956 йил 11 октябрда қилган маърузаси // “Қизил Ўзбекистон”, №242. 1956 йил 13 октябрь.

¹³ Муҳитдинов Н. Река времени (от Сталина до Горбачева). Воспоминания –Москва: «Руси – Рост», 1995. –С.59.

Шундан кейин, Тошкентда Амин Ниёзов (Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари) иштирокида йиғилиш ўтказилади ва мазкур 60 кишилик рўйхат масаласи муҳокама қилиниб, уларга қўйилган айблов асоссиз деб топилади. 1950 йили ёзда ВКП(б) МК Урта Осиё бюроси секретари ва Марказий Комитетнинг Ўзбекистондаги вакили бўлган С.Игнатъев Тошкентдан Москвага чақириб олинди ҳамда бу лавозим тугатилди¹⁴.

Марказ томонидан маҳаллий кадр раҳбарларга ишонмаслик ҳолатлари ҳали ҳам мавжуд эди. Шунинг учун бу даврда ҳам маҳаллий узбеклар орасидан раҳбар ходимларни тайёрлаш жуда қониқарсиз ҳолатда бўлган. Ўзбекистон Компартияси МК номенклатурасига кирган хизматчилар таркибида узбеклар атига 44,4 фоизни ташкил қилган, ҳолос. Айрим партия ва ҳужалик аппаратида узбеклар сони жуда кам ёки умуман йўқ эди.¹⁵

Расмий ҳужжатларда келтирилишича, партия раҳбарияти ва Ўзбекистон ҳукумати вазирликлар ва муассасаларни штатлар билан тўлдириш ишларини қониқарсиз назорат қилган, айрим вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари узбекларнинг раҳбарлик аппаратига тавсия қилинишига қаршилик кўрсатишган.¹⁶

Ўзбеклар орасида мутахассис кадрларни тайёрлаш ишлари жуда паст даражада бўлган. Олий ва ўрта ўқув юртлирида ўзбек талабалари сони 25 – 30 фоизни ташкил қилган. Бундай салбий ҳолатнинг асосий сабаби, республикада халқ таълими соҳасидаги ишларнинг қониқарсиз ташкиллаштирилганлиги бўлиб, натижада ўзбек ёшларининг жуда кам қисми тугалланмаган ўрта ва ўрта маълумот олишган. Бу эса ўз навбатида олий ва ўрта махсус билим юртлирини ўзбек ёшлари билан тўлдириш имкониятини бермаган.¹⁷

“Янги жамият” қуришда маҳаллий ишчи синфини шакллантириш масаласи партия амалиётида муҳим урин эгалласа-да, партия ташкилотларининг раҳбарлари бу масалага қўл учиди қараганлар. Партия ва совет органларининг ушбу муаммони ҳал

¹⁴ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккинчи китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – Б.97.

¹⁵ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том II. – С. 315 – 316.

¹⁶ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том II. – С. 316.

¹⁷ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккинчи китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. –Б.109.

қилишда бундай салбий муносабати республика ижтимоий-сиёсий ривожининг кейинги босқичлари учун ҳам характерли эди.

“Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)” номли фундаментал тадқиқотнинг иккинчи китобида тўғри таъкидланганидек, ўзбек жамиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини икки босқичга бўлиш мумкин ва улар учун қуйидаги аҳамиятли жараёнлар характерлидир:

Биринчи босқичда (1945 – 1953 йиллар) совет маъмурий-буй-рукбозлик тизмининг кучайиши ва ўзбек жамиятини сиёсийлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу босқичда тоталитар Марказ томонидан Ўзбекистон ёзувчилари, шоирлари, фан арбоблари ва зиёлиларнинг бошқа вакилларига, шунингдек, оддий инсонларга ҳам қарши қатағонлар қилинди. Сталин шахсига сиғиниш ҳолати жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини белгиловчи омиллардан бири бўлган.

Иккинчи босқич (1954 – 1964 йиллар) зиддиятли ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ажралиб туради. Ушбу босқичда Сталин шахсига сиғиниш фош қилинди ва Ўзбекистоннинг қатағон қилинган баъзи сиёсий ва жамоат арбоблари оқланди. Мазкур даврнинг нисбатан либерал бўлишига қарамадан, Ўзбекистон халқи ва республиканинг сиёсий раҳбарияти (Усмон Юсупов, Нуриддин Муҳитдинов, Шароф Рашидов ва бошқалар) Марказнинг қаттиқ назорати остида бўлган ҳамда ўзбек жамияти “коммунистик жамиятни қуриш” номи остида ижтимоий-иқтисодий тажрибалар гирдобига дучор бўлган¹⁸.

НУРИДДИН МУҲИТДИНОВ СИЁСИЙ РАҲБАРЛИГИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ШАРҚШУНОСЛИК ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР

Иккинчи жаҳон уруши йилларида олимларнинг ихтироларига ҳамда уларнинг халқ хужалигини ривожлантиришга зарур таклиф ва тавсияларига эҳтиёж мавжуд эди. Шу муносабат билан 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилди. Кейинчалик мазкур илм даргоҳи кенгайиб, унга катта масъулият ҳам юклаб борилди. Академия олимлари шу даврда улкан ишларни ҳам амалга оширишга улгурди.

¹⁸ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. –Б. 110.

лик институтининг илмий натижалари сифатида тилга олинган²² ва кейинчалик Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти Х.М. Абдуллаев ҳам бу ҳолатни фахр билан эътироф этган эди²³.

1956 йил 30 июнда Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва малика Сурайё Паҳлавий Тошкентга келди. Узаро учрашувлар жараёнида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти Т. Зоҳидов шоҳга эсдалик учун айнан Ибн Синонинг рус ва ўзбек тилларида нашр этилган “Тиб қонунлари” китобининг 2 жилдини ва Шарқшунослик институтида сақланаётган қулёзмаларнинг 3 жилдлик каталогини тақдим этди. Шоҳ бу совғаларни қабул қилар экан, шундай деган эди: “Сизнинг маданият марказингиз Эрон олимлари билан алоқа боғлайди ва биз узаро иш тажрибаларини алмашиб турамыз”²⁴.

Шарқ мамлакатларининг Ўзбекистон тарихига кизиқиши ва шодир қулёзмаларга булган эътибори республика ҳукуматининг ҳам шарқшунослик илмининг ривожланишига ва уни тараққиётига кумак беришга мажбур қилар эди. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлари Совети раисининг ўринбосари Ғ. Султонов “Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олтинчи бешйилликда Шарқшунослик илмининг муҳим марказига айланиши зарур”²⁵, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон зиёлилари (интеллигенцияси) 1 қурултойининг 1956 йил 11 октябрдаги йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н.А. Муҳитдинов ҳам иштирок этди. У уз маърузасида Шарқ қулёзмаларининг 3 томдан иборат рўйхатини ва Абу Али ибн Синонинг асарлари нашр қилинганлигини тилга олади. Шу билан бир қаторда айрим камчилик ва келгусидаги вазифалар тўғрисида ҳам фикр билдирган:

Биринчидан, шарқшунослар ўз тадқиқотларида Шарқдаги ўша даврдаги мавжуд аҳволни ўрганишга, мустамлакачи давлатларнинг янги методларини, империалистларнинг Осиё мамлакатларига суқилиб киришини фош этишга эътибор қаратмаган. Шунингдек, бу масалада бирорта монография нашр этилмаган. Шунинг учун Шарқ

²² СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумларининг қўшма мажлиси // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 8 январь.

²³ Абдуллаев Х. Ўзбекистонда фаннинг янада раванки учун // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 11 октябрь.

²⁴ Рамз Бобожов. Эронлик меҳмонлар Тошкентда // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 3 июль.

²⁵ Султонов Ғ. Ўзбекистонда фаннинг янги юксалиши сари // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 5 октябрь.

мамлакатларининг иқтисодиёти, маданияти ва янги тарихини ҳар томонлама урганиш соҳасида тадқиқот ишларини тубдан яхшилаш вазифаси топширилган.

Иккинчидан, шарқшунослик соҳасида кадрлар муаммоси мавжуд бўлган. Масалан, “Совет Иттифоқи” журналининг ҳинд тилида ҳам нашр этиш режалаштирилган. Бироқ ҳинд тилини яхши биладиган мутахассислар топилмаган.

Учинчидан, Шарқшунослик институти фондларида кўплаб қимматли манбалар мавжуд бўлиб, аммо шу қўлғамалар устида ишлаш шу давргача жуда қониқарсиз амалга оширилган. Масалан, “Тошкентда 85 миңдан ортиқ шундай қўлғамалар сақланган ҳолда атиги 6 миң қўлғаманинг қисқача мазмуни босиб чиқарилган. ҳолбуки бу соҳадаги ишлар ун йилдан кўпроқ вақтдан бери давом эттирилмоқда. Иш шундай суръатда олиб бориладиган бўлса, биздаги мавжуд қўлғамаларнинг мазмунини баён қилиш учунгина камида 100 йил вақт керак бўлади”²⁶, деган эди Нуриддин Муҳитдинов.

Туртинчидан, шарқшунослик соҳасида амалга ошириладиган ишларни оммалаштириш, уни илмий жамоатчиликка етказиш ва нашриёт ишлари борасида ҳам оқсоқликлар кузатилган. Шунингдек, олимларнинг айнан соҳага оид асарларининг чоп этадиган махсус нашриётни ташкил этишга ҳам эҳтиёж катта бўлган. Бу пайтда биргина “Совет шарқшунослиги” журналининг чоп этилиши бошланган. Аммо бу журнал ҳам тулиқ талабга жавоб бермаган.

Шунинг учун ҳам соҳада кадрлар тайёрлаш ишларини тубдан яхшилаш ва Шарқни илмий асосда урганиш, муҳим аҳамият касб этган манбаларни нашр этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида 1957 йил Тошкентда Бутуниттифок биринчи конференциясининг ўтказиши белгиланган²⁷.

Танқид – тараққиёт меваси деб, бежиз айтилмаган. Шундан сўнг институтдаги ишлар янада жадаллашган. Буни С. Азимжонованинг фикрлари ҳам тасдиқлайди: “Конференцияга қадар (1957 йил июнь – Қ.Р.) Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари таржима сифатида нашрдан чиқади. “Ҳиндистон тарихи” асарининг эса таржимаси бошланди. “Убайдуллонома” ва “Муқимхон” тарихи каби икки асар конференцияга қадар рус тилида нашр этилади.

²⁶ “Қизил Ўзбекистон”, 1956 йил 13 октябрь.

²⁷ Ўзбекистон интеллигенциясининг съезди. Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари Уроқ Н.А. Муҳиддиновнинг 1956 йил 11 октябрда қилган доклади // “Қизил Ўзбекистон” 1956 йил 13 октябрь.

“Бобурнома”нинг русча таржимаси ва Гулбаданбегимнинг “Хумоюн-нома” асарини нашр этиш режалаштирилган”²⁸.

Ҳар бир соҳанинг ривожланиши ва унинг тараккиёти борасида аниқ мақсад ва вазифалар белгиланмаса ҳамда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмаса ўша йўналишда муаммолар ҳамда ечилиши лозим бўлган долзарб вазифалар туپланиб бораверади. Ёки соҳанинг парчаланиши ва йўқ бўлиб кетиши ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур йилларда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳам шарқ халқлари маданий меросини ўрганишга тобора катта эътибор берилди. Ўзбекистон Фанлар академиясида улуғ шоир ва олимлар адабий меросини ўрганиш юзасидан махсус комитетлар тузилди. Алишер Навоий меросини ўрганиш комитети (раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси корреспондент аъзоси В.И. Зоҳидов), Ибн Сино меросини ўрганиш комитети (раиси академик И.М. Муминов), Беруний меросини ўрганиш комитети (раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси корреспондент аъзоси Я.Ф. Ғуломов) шулар жумласидандир²⁹. Буларнинг барчаси илм-фанга, хусусан, шарқшунослик соҳасига кўрсатилган эътибор нечоғлик юқори эканлигидан далолат беради. Яна шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиумининг 1957 йил 3 июндаги фармони билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтига Абу Райҳон Беруний номи берилди.

Шунингдек, Тошкентда 1957 йил 4-11 июнь кунлари Бутуниттифок шарқшуносларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференциянинг 11 июнда Алишер Навоий номли Ўзбек давлат опера ва балет театрида бўлган охириги ялпи мажлисида Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари Н.А. Муҳитдинов ҳам иштирок этиб, шарқшунослик соҳасидаги муаммолар, вазифалар ва ечимлар тўғрисида нутқ сўзлайди³⁰. У ўз маърузасида “... конференцияда муҳокама қилинган кўпгина масалалар катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу ерда шарқшуносларнинг муҳим муаммолари юзасидан олиб борилган ижодий мунозара мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб

²⁸ Азимжонов С. Шарқшунослик институтидаги қўлезмалар ва уларнинг ўрганилиши // “Қизил Ўзбекистон”. 1957 йил 22 май

²⁹ Азимжонов С. Шарқшунослик институтидаги қўлезмалар ва уларнинг ўрганилиши // “Қизил Ўзбекистон”. 1957 йил 22 май

³⁰ Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. 4-11 июня 1957 г. –Ташкент: Изд. АН Узбекской ССР, 1958 – С.167-191.

чиқишга, шарқшунослик фанини янада юксак даражада кутаришга ёрдам беради”³¹, деган эди.

Хуллас, биз биргина А.Н. Муҳитдинов даврида Шарқшунослик институти фаолиятига қискача тўхталдик. Унинг даврида шарқшунослик соҳасидаги вазифалар, ютуқлар ва камчиликлар борасида айрим фикрлар келтирилди. Гарчи совет даврида шарқшунослар олдида турли муаммолар мавжуд булсада, бугунги кунда юртимизда забардаст шарқшунос олимлар етишиб чиқди ва устоз-шогирд аъёналари шаклланди. Бирок Н.А. Муҳитдинов 63 йил илгари келтириб утган камчиликлар аччиқ булсада, айримлари бугунги кунда ҳам учрайди. Назаримизда бугун ҳам шарқшунослик соҳасида кадрлар етарли эмас. Бу ҳолат шарқшунослик касбининг, яъни қўлёмалар билан ишлашнинг узига яраша оғирлиги ва машаққатли эканлигидадир. Шунинг учун ҳам аксарият ёшлар бу соҳада фаолият юритишдан ўзларини четга оладилар. Бу эса соҳадаги муаммолар ечим топишини янада кечиктиради. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун барча мутасадди ташкилотлар биргаликда ҳаракат қилишлари зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУДУДИНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА УНИНГ РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан то бугунги кунга қадар унинг чегараси бир неча марта ўзгариб келди. Бу ўзгаришларнинг айримлари Ўзбекистон манфаати учун ижобий булса, баъзилари эса бунинг тескараси булди. Бирок 1956 йилда Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР ҳудудларининг ўзгариши республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳолат мазкур даврдаги Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг катта хизматлари эвазига амалга оширилди. Шу пайтда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Рашидов ва Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари Н. Муҳитдиновлар булиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқдир.

³¹ Совет шарқшунослигининг янги муваффақиятлари сари. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н.А. Муҳитдиновнинг 1957 йил 11 июнда Тошкент шаҳрида Шарқшунослар Бутуниттифок биринчи конференциясида сузлаган нутқи // “Қизил Ўзбекистон”. 1957 йил 13 тоън.

КПСС XX съезди директиваларида халк хужалигининг барча тармоклари буйича вазифалар белгиланди. Унга кура, Ўзбекистон ССР буйича пахта етиштиришни 1960 йилда 1955 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайтириш, 325 минг гектар майдонда сугориш тармоклари қуриш ишларини амалга ошириш, 6,8 миллион гектар чўл ва дашт яйловларига сув чиқариш вазифаси белгиланган эди³².

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида 1956 йил 20 январда Қозоғистон Олий Советининг туртинчи чакирик иккинчи сессиясида қатнашиш учун Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси Ш. Рашидов бошчилигидаги делегацияси Олмаотага келди³³. 21 январда Қозоғистон Олий Советининг туртинчи чакирик иккинчи сессияси ўз ишини бошлаб, унда Қозоғистон ССРнинг 1956 йилги бюджетини ва Жанубий Қозоғистон областининг Бўстонлик районини ҳамда Мирзачўл худудининг бир қисмини Ўзбекистон ССРга бериш масаласи муҳокама қилинди.

Сессияда Қозоғистон Олий Совети Президиумининг раиси Ж. Ташенов ўз маърузасида Қозоғистон Совет Иттифоқининг дон ва чорва моллари етказиб берадиган асосий базаларидан бири бўлса, Ўзбекистоннинг асосий муҳим тармоғи эса пахтачилик бўлиб, соҳадаги ишларни янада ривожлантириш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш мақсадида ушбу ерларни Ўзбекистонга бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади. Бу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан маъқулланди. Шундан сўнг Қозоғистондан 499 минг гектар ер ва Бўстонлик райони Ўзбекистонга қушиб бериладиган бўлди. Сессия ўз ишининг якунида Ўзбекистонга топширилиши лозим бўлган худудлар масаласида СССР Олий Совети Президиумидан сўраш ҳақида қарор қабул қилинди³⁴.

Шу ўринда мазкур сессияда Бўстонликнинг Ўзбекистон ССРга берилиши хусусида қозоқ депутати Собит Муқоновнинг ажойиб ўхшатишини келтириш жоиз. У “биз ўз қизини севиқли куёвга узатаётган палладаги ҳис-туйғулар билан яшамоқдамиз. Лекин Бўстонлик ҳозирги вазиятда қиз эмас, кучга тулиб турган йигитдир. Истардимки, ўзбек халқи Мирзачўлнинг худудидан бир қисмини сепсиз қизимизни ҳам ҳалол меҳнат туфайли гулга буркаса,

³² Уқубов К. Мирзачўлнинг келажак // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 6 март.

³³ Ўзбекистон ССР ҳукумат делегацияси Олмаотага келди // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 21 январь.

³⁴ Рамз Бобожон. Қозоғистон ССР Олий Советининг сессияси // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 22 январь.

ҳукуматимизнинг энг муҳим вазифаларини амалга оширган булар эди”³⁵, деган эди.

Сессияда сузга чиққан Ш. Рашидов шундай деган эди: “Сизларни ишонтириб айтаманки, бизга толширилаётган Мирзачул худудининг бир қисмида Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатни оқолгин пахта қонига, гуллаб-яшнаётган ерга айлантириш учун уз кучларини аямайдилар. Бўстонликда ажойиб шифохоналар ташкил этамиз ва совет халқлари оиласидаги барча кишиларнинг дам олиш жойига айлантирамиз.

Бўстонлик райони ва Мирзачулнинг бир қисмини Ўзбекистон ССРга берилиши икки қардош халқларнинг бир-бирига бўлган ишончининг ёрқин намоиши бўлмоқда³⁶”.

Узоқни кура олган давлат арбоби ва сиёсатчи Шароф Рашидов нега айнан Бўстонликни Ўзбекистон ССР таркибига қушиб олиш учун ҳаракат қилди?

Биринчидан, Бўстонликнинг ерлари серҳосил бўлиб, деҳқончилик қилишда жуда қулай эди. Саноат шаҳарлари ҳисобланган Оҳангарон ва Чирчиқ аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда кучли базани вужудга келтириш имконияти мавжуд бўлган. Кейинчалик районнинг 15 минг гектар ерига картошка ва сабзавот ҳамда бошқа озиқа экинларини экиш режалаштирилган.

Иккинчидан, бу худуд саноат зонаси ҳам ҳисобланади. Чирчиқ электрохимия комбинатига қарашли асосий ва ёрдамчи корхоналарнинг бир қисми, ойна ва консерва заводлари ишлаб турган эди. Шунингдек, Товоқсой ГЭСи, Чирчиқ ГЭС каскадининг бош узели ҳам районда жойлашган эди. Бундан ташқари Бўстонликда яна янги ГЭСлар қуриш учун катта имкониятлар бўлган. Масалан, Чирчиқ дарёси соҳилидаги Хужакент қишлоғи ёнида бир миллиард кубометр ҳажмли сув омбори ва гидроэлектростанция қуриш мумкин бўлган. Бу ГЭСни қуриш натижасида Чирчиқ-Бузув каскадидаги мавжуд гидроэлектростанциялар қувватини яна анча ошириш имкониятини берарди³⁷.

Учинчидан, район табиий бойликларга ҳам анча бой бўлиб, Оқтош мрамр қони биноларнинг фасадларини безашда ишлатиладиган қимматбаҳо ва нодир мрамр захирасига эга бўлган.

³⁵ “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 22 январь.

³⁶ “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 22 январь.

³⁷ Рамз Бобожон, Султон Акбарий. Саҳий ер // “Қизил Ўзбекистон”. 1956 йил 6 март.

Туртинчидан, районнинг табий иклим шароити хушхаво булганлиги учун Бўстонликда куп санаториялар, дам олиш уйлари ва пионер лагерларини ташкил этишга имкон берарди³⁸.

Бешинчидан, районда 300 минг гектардан кўпрок пичанзор ва яйлов бўлиб, бу чорвачиликнинг ривожланиши учун катта имконият эди. Бу саноат шаҳарларини гушт ва суг маҳсулотлари билан таъминлашда асосий манба бўлиб хизмат қиларди³⁹.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчаси Ўзбекистон ССР иктисодиётининг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этарди.

Бу пайтда 53 минг аҳолиси булган Бўстонлик районининг ери 540 минг гектар бўлиб, унда 80 минг бош чорва, 16 та колхоз ва 2 та МТС бор эди. Шунингдек, Чимён, Бурчмулла ва Октош каби санаториялар жойлашган эди.

Бўстонлик райони билан бир қаторда Мирзачўлдан⁴⁰ 499 минг гектар ерларнинг Ўзбекистон ССРга утказилиши натижасида республика Сирдарё, Мирзачўл, Жиззах районларида энг йирик пахтазор массивга эга бўлиши режалаштирилган⁴¹. Олинган худудларни узлаштириш ҳамда Марказий ва Жанубий Мирзачўл каналларининг суви билан жами 225 минг гектар ерни пахтазорга айлантириш имкони мавжуд эди⁴².

Аммо Мирзачўл ерларни узлаштириш осон эмас эди. Бу ишни амалга ошириш учун биринчи навбатда бориш учун йул очиш, уй-жой қуриш, электр ва алоқа ўрнатиш масалаларини ҳал этиш лозим бўларди⁴³.

1956 йил 24 январда Ўзбекистон ССР Олий Советининг туртинчи чақирик иккинчи сессияси уз ишини бошлади. Унда бир қатор масалалар қаторида СССР Конституциясининг 14-моддасига мувофиқ, Жанубий Қозогистон областининг Бўстонлик райони ҳамда Мирзачўлнинг бир қисмини Ўзбекистон ССР таркибига

³⁸ Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Ш. Рашидов нутқи // "Қизил Ўзбекистон". 1956 йил 25 январь.

³⁹ Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси. Депутат А.Н. Муҳиддинов нутқи // "Қизил Ўзбекистон". 1956 йил 25 январь.

⁴⁰ 1918 йил 14 майдаёқ Ленин Мирзачўлни узлаштириш тўғрисида декретни имзолаган эди.

⁴¹ Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Ш. Рашидов нутқи // "Қизил Ўзбекистон". 1956 йил 25 январь.

⁴² Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси. Депутат А.Н. Муҳиддинов нутқи // "Қизил Ўзбекистон". 1956 йил 25 январь.

⁴³ Укубоев К. Мирзачўлнинг келажаги // "Қизил Ўзбекистон". 1956 йил 6 март.

қушиш тугрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинди⁴⁴. Ниҳоят, 1956 йил 15 мартда Қозоғистон ССР ва Ўзбекистон ССР махсус ҳукумат комиссиялари юқорида қайд этилган ерларни Ўзбекистон ССР таркибига қабул қилиш тугрисида протоколни имзолади.

Бўстонлик районининг ҳамда Мирзачўл худудининг бир қисмини Ўзбекистонга қушиб олиниши натижасида республика 1,039 млн гектар қушимча ерга эга бўлди. Мирзачўлдаги ерларга қараганда Бўстонлик райони Ўзбекистон учун аҳамияти муҳимроқ эди. Чунки Мирзачўлни ушлаштириш учун катта меҳнат талаб этилса, Бўстонликнинг ерлари эса Тошкент ва Фарғона ерларидек унумдор эди. Ушбу худудларнинг Ўзбекистонга қушиб олинишининг иқтисодий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон худуди кўпайди ва шуни ҳисобига пахта майдонлари кенгайди; қушимча саноат зонаси пайдо бўлди; чорвачилик учун имконият кенгайди; янги ГЭСларни қуриш ва мавжудларини қувватини ошириш учун шароит вужудга келди; янги сув омборларини қуриш мумкин бўлди; дам олиш масканлари ва санаторияларга эга бўлинди ҳамда янгиларини қуриш учун имконият пайдо бўлди.

Хуллас, Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг хизмати билан республика таркибига киритилган Бўстонлик тумани бугунги кунда ҳам ажойиб дам олиш масканлари ва узининг кенг турдаги инфратузилмалари билан республикада ички туризмни ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишда, доимий равишда республика манфаатларини ҳимоя қилишда, унинг тараққиёти ва ривожланишида астойдил ҳаракат қилганлиги намоян бўлади. Ўзбекистон чегараси 1956 йилдан олдин ва ундан кейин ҳам ўзгариб турди. Бироқ ушбу худудларнинг бир қисми кейинчалик яна Қозоғистон ССРга қайтарилди. Лекин бу масалалар халитача тула ўрганилмай келинмоқда. Совет даврида иттифокдош миллий республикалар ўртасида чегараланиш масаласини чуқур ўрганиш, уни сабаб ва оқибатларини таҳлил этиш бугунги кунда тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

⁴⁴ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1956 йил 24 январдаги мажлиси тугрисида информацион баёнлириш // "Қизил Ўзбекистон". 1956 йил 25 январь.

ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистонга катта иқтисодий ва инсоний талафотлар етказди. Ўзбекистон иқтисодиёти фашизм билан булган уруш йилларида СССРнинг фронт орти минтақасига айланган эди.

Уруш йиллари ва ундан кейинги дастлабки ун йилликларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида 1937 – 1950 йилларда *Усмон Юсуфович Юсуфов*, 1950 – 1955 йилларда *Аминжон Эрматович Нийёзов*, 1955 – 1957 йилларда *Нуриддин Акрамович Муҳитдинов*, 1957 – 1959 йилларда *Собир Камолович Камолов*, 1959 – 1983 йилларда *Шароф Рашидович Рашидов* фаолият курсатди.

Урушдан сунг, фашист босқинчиларидан озод қилинган СССРнинг ғарбий туманларидан фарқли ўларок, Ўзбекистоннинг иқтисодий вазифаси халқ хўжалигини тинч ҳаётга мослаштириш ва СССР сиёсий раҳбарияти учун жуда муҳим омил булган республикада пахтачиликни қайта тиклашдан иборат булди.

1945 йил сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МК XII пленуми қарорларида⁴⁵ режа бажарилмагани учун барча масъулият республика маҳаллий раҳбариятига юклатилган эди. Қарорда “СССР ХКС, ВКП(б) МК қарорида камчиликлар “мутлақо тўғри курсатилган” деб таъкидланиб, республика сиёсий раҳбариятининг “асосий хатоси умумдавлат манфаатини маҳаллий масалалар фойдасига эсдан чиқарган деб ҳисобланди, бу эса колхозлар ва колхозчилар диққатини давлат режасида кўзда тутилмаган бошқа ишларга, яъни Чоржўй – Қунғирот темир йулининг қурилишига ва пахтачиликка зиён етказувчи бошқа қурилишларга жалб қилинган ҳамда пахтачилик учун мулжалланган куп миқдордаги куч ва маблағлар бошқа мақсадларга ишлатилган”, деб курсатилган⁴⁶.

Мазкур далилнинг билвосита таҳлили шунга гувоҳлик берадики, у Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида нафақат пахтачилик монополиясини ўрнатиш тенденцияси ҳақида, балки Марказ ва Ўзбекистон

⁴⁵ Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. – Б. 77-78.

⁴⁶ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 2. – С. 297.

уртасидаги узаро муносабатларнинг ҳақиқий жиҳатларини ҳам очиб беради ҳамда республиканинг реал ҳуқуқий мақомини кўрсатади. Ушбу факт Ўзбекистон раҳбариятининг мустақил қарор қилиш ҳуқуқлари қай даражада чекланганлиги ҳамда республика иқтисодиёти Марказнинг стратегик манфаатларига тула бўйсунганлигининг аниқ далилидир. Бундай шароитда Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ҳаттоки СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларида белгилаб берилган ваколатлар доирасида ҳам республика иқтисодиётининг айрим ҳаётий муҳим бўлган масалалари бўйича мустақил сиёсатни амалга ошира олмаганлар. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожини биринчи навбатда республиканинг ижтимоий - иқтисодий манфаатларини орқага сурган ҳолда, Марказнинг стратегик манфаатларига мувофиқ бўлиши шарт эди.

Шундай қилиб, урушдан кейинги даврда Марказнинг бу қарорлари ва унинг республика сиёсий раҳбариятига босим остида қабул қилдирган бошқа қарорлари Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги ривожининг тенденциясини, кейинчалик бутун республика иқтисодиётида, қишлоқ хўжалигида пахтачилик монополиясини мустаҳкамлади.

Қишлоқ хўжалигининг ривожини бўйича Ўзбекистон учун Москва урнатган вазифалар контекстида, Марказ пахтачилик ривожини янада кўпроқ талаб қилган. Шундай қилиб тўрт йилда (1949 – 1952 йиллар) республикада пахта экин майдонини 100 – 130 минг гектарга кенгайтириш ва пахта ҳосилини ҳар гектардан 25 центнергача кўтариш мўлжалланган.

Бу йўналишда келажақда янада “улкан вазифалар” қўйилган бўлиб, “...Ўзбекистонда келажақда пахтачилик ривожини учун шароитларни яратиш бўйича барча зарурий чораларни амалга ошириш, кейинги йилларда пахта экин майдонларини 200 – 250 минг гектарга кенгайтириш ва пахта ҳосилдорлигини гектаридан ўртача ҳисобда 30 центнердан кам бўлмаган ҳолда кўтаришга эришиш кўзда тутилган эди”⁴⁷.

Лекин Марказ республиканинг иқтисодий, инсоний ва моддий манбалари чекланганлигини ҳисобга олмади. Пахтачиликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон олдида ҳаддан ташқари баланд бўлган режа қўйилиши натижасида, 1949 ва 1950 йилларда режа топшириқлари бажарилмади. Ўзбекистонда тўртинчи беш йилликда

⁴⁷ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 2. – С. 368.

(1946 – 1950 йиллар) пахтачиликка ажратилган майдон 148 000 гектарга кўпайди, республиканинг табиий ва инсоний ресурсларини шайқатсиз ишлатиш, яъни экстенсив омили ҳисобига пахтанинг ялли микдори шу даврда 1948 йилга нисбатан 51 фоизга ошди.⁴⁸

Пахтачилик экстенсив тарзда ривожланиши жараёнида ҳамда пахтачиликка ажратилган майдонлар шиддатли равишда кўпайиши натижасида оддий инсонлар жабрланган, яъни пахта майдонларини кўпайтириш, маъмурий тартибда колхозчиларнинг шахсий ер мулкларини ва уларнинг уй хўжаликларини қисқартириш ҳисобидан амалга оширилган, бу эса ўзбек халқининг фожиясига айланди. Бунга Уйчи районидаги Мамад қишлоқ совети Андреев номи колхоз аъзоси Аймахон Атабаеванинг сўзларини исбот сифатида келтирамиз: “1949 йил баҳор фасли эди, мен далада ишлаб турган вақтда, колхоз бригадири 71 нафар колхозчи билан биргаликда ер майдонимда ўсаётган мевали дарахтларни кесиб, участканинг деворларини бузаётганлиги ҳақида менга хабар келди, кетмонимни ташлаб қишлоққа югуриб келганимда, бу ҳаракатлар колхоз раҳбариятининг руҳсати бўйича амалга оширилаётгани маълум бўлди. Мен устимдан керосин кўйдим ва узимни ёқиб юбормоқчи бўлдим, лекин онам бунга йўл кўймади. Шундан сўнг мени қишлоқ советига олиб боришди, кейин эса кўрикчи билан Уйчига жўнатишди. Текширув ишларини олиб боришди ва мени 12 кун ҳибсда ушлаб туришди. Уйга қайтганимдан сўнг колхозда кўп ишладим ва 300 меҳнат кўни бўйича ишларни бажардим”.⁴⁹

Ҳаддан ташқари оғир бўлган режа топшириқларини бажармаган инсонларга нисбатан қўланилган қатағон чоралари ҳақида кўплаб далиллар мавжуд. Масалан, Пскент туманидаги Ленин номи колхозда, беш йиллик натижалари тўғрисидаги партия мажлисида, пахта йиғини бўйича тегишли жадвал бажарилмагани ва бригадаларда интизом йўқлиги учун, 12-бригада бригадири Орипов ишдан бушатилинсин ва жиноий жавобгарликка тортилсин, ВКП(б) аъзоси Шююсуповга шахсий варақасига киритган ҳолда, катъий ҳайфсан эълон қилинсин, деб қарор чиқарилган.⁵⁰

Оддий инсонлар устидан шу усулдаги жазоларни қўллаш, улар ҳуқуқларини чеклаш ва шахсий мулкларини мусодара қилиш

⁴⁸ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 2. – С. 518 – 519.

⁴⁹ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 26-руйхат, 241-иш, 20-варақ.

⁵⁰ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 95-варақ.

Ўзбекистонда бу даврда кундалик ҳолга айланган эди. Мазкур далилларда оддий инсонлар ва деҳқонларнинг, ўзбек қишлоқларининг дарди ва бутун фожиаи акс эттирилган.

Совет иктисодий тизими ва колхоз қурилишининг нуқсонларидан бири шундаки, пахта хомашёсини топшириш бўйича режа топшириғини бажариш туғрисидаги ҳисоботларда район ва колхоз раҳбарлари давлатни алдашга ҳам уринганлар. Чунки колхозлар белгиланган топширикни бажариш учун реал моддий имкониятга эга эмас эди. Колхоз раислари, бригадирлар ва оддий колхозчилар режа топшириқларини бажармаганликлари учун жуда қатъий равишда жазоланган. Кўп ҳолларда улар жиний жавобгарликка ҳам тортиларди. Кейинги давр учун хос ҳисобланган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини яшириш ва қушиб ёзишлар Сталин террори даврида ҳам кенг тус олган эди. Манбаларга кура, 1950 йил октябрь ойида Андижон вилоятининг Держинский номидаги колхозда 240,7 гектар пахта, 58,34 гектар шולי ва 198,34 гектар беда, шунингдек, 52,14 гектар бошқа маданий экин майдонлари яширилганлиги аниқланган.⁵¹ Шу колхозда “пахта ҳосилдорлиги сунъий равишда кутарилганлиги, контрактациядан пахта экинларини яшириш, мукофотлар учун давлат маблағларини катта миқдорда ноқонуний равишда узлаштириш ва қишлоқ хўжалик илғорларига бериладиган давлат мукофоти учун сохта материалларни тақдим қилиш ҳолатлари ҳам аниқланган эди”.⁵²

Совет раҳбарлик-маъмурий бошқарувининг нуқсонларидан бири, бу партия ва совет раҳбарлари аксарият ҳолларда реал имкониятлар билан ҳисоблашмас эдилар, улар учун жойларда муаммоларни ҳал қилиш эмас, балки бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот бериш муҳим эди. Масалан, Ўзбекистон Компартияси раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон АССР вилоят бюроси кескин танқид қилинган, ижро учун қабул қилинган қарорлар партия ва совет хизматчиларининг масъулиятини оширишга имкон бермаган ҳамда обком бюроси уз қарорлари билан купинча реал булмаган ва бажариш қийин бўлган муддатларни курсатиб утганлиги таъкидланган. 1950 йил 23 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ВКП(б) МКнинг “1950 йил пахта хомашёсини йиғиш ва тайёрлашни ташкиллаштириш ҳақида”ги қарорини муҳокама қилган ҳолда, Қорақалпоғистон АССР вилоят бюроси қишлоқ

⁵¹ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 26-руйхат, 241-иш, 139-варақ.

⁵² Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 26-руйхат, 241-иш, 140-варақ.

хужалигининг Пахтачилик министрлигига, Пахта тайёрлаш трестига, районлар ижроия кумиталари раислари ва район партия кумитаси (райком) секретарларига 1950 йил 25 августгача ҳар бир колхознинг ташкилий ишлар ҳолатини, колхозларнинг моддий техника воситаларини тайёрлаш масалаларини, тайёрлов пунктларининг, пахта тозалаш заводларининг пахта йиғимига тайёргарлигини, уларни колхоз мажлисларида муҳокама қилган ҳолда текшириш каби бир қатор йирик тадбирларни ўтказиш вазифаси юклатилди. Обком партиясининг бюросига, бу қарор тадбирларини икки кунда бажариш имконияти йўқлиги кундай равшан эди, бинобарин бу қарор обкомда “муддат тугаган”дан кейин 1950 йил 28 августда юборилган эди, шундай бўлса-да, у қабул қилинган ва имзоланган.⁵³ Бундай ҳодисалар совет даври учун шунчалик кенг тарқалган оддий ҳол эдики, Ўзбекистондаги бюрократик раҳбарият кейинчалик ҳам ундан воз кечишни истамади. Бошқа обкомларда, айниқса, район партия кумиталарида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд эди.⁵⁴

Марказнинг сиёсий раҳбарияти томонидан 1950 йилда колхозларни йириклаштириш ва уларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш сиёсати бошланган. Бу сиёсат Иттифок ҳукуматининг “колхозларни ташкилий жиҳатдан мустақкамлаш учун фавқулодда аҳамиятга эга бўлган” қарори сифатида тақдим қилинган. Марказнинг фикри буйича, “майда колхозларнинг иқтисодий имконияти катта хужаликларга нисбатан чекланган. Катта колхозларда ўқитлаш ишлари янада самаралироқ, меҳнатни ташкиллаштириш ишлари янада унумлироқ бўлиши мумкин, демак, товар маҳсулотларини кўпроқ бериши мумкин”, деган фикр олға сурилган.⁵⁵

Колхозларни йириклаштириш сиёсати натижасида 1951 йилда Ўзбекистонда аввал мавжуд бўлган 6399 та кичик колхозлар ўрнига 3067 та йирик колхозлар ташкил қилинди, шулардан 2798 та колхоз пахтачилик билан шугулланган. Колхозларда экин майдонлари сезиларли даражада кўпайди. Агар аввал ўртача ҳисобда битта колхозга 378 га ер майдони туғри келса, шу жумладан 189 га пахта экини учун, энди эса ҳар битта колхозга ўрта ҳисобда 777 га ер майдони туғри келар эди, шулардан 374 га ер майдони пахта экини учун ажратилган.⁵⁶

⁵³ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 26-руйхат, 229-иш, 169-варақ.

⁵⁴ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 26-руйхат, 229-иш, 169-варақ.

⁵⁵ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 392-иш, 8-варақ.

⁵⁶ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 56-варақ.

Ҳар битта колхозда деҳқон хўжаликлари қупайди. Колхозлар бирлашмасидан аввал республика бўйича битта колхозда уртача ҳисобда 98 та хўжалик бўлган, бирлашгандан сўнг эса 270 та хўжалик мавжуд бўлди.⁵⁷

Агар шу сиёсат вилоятлар кесимида қуриб чиқилса, унда Андижон вилояти қуйидаги қўринишда бўлган: 526 та колхоздан бирлашгандан сўнг 260 та колхоз қолган. 1949 йилда шу вилоят учун ер фонди 350–400 га ер майдони ва пахта экинига 250–300 га бириктирилган бўлса, энди эса бирлаштирилгандан сўнг пахта экини учун колхоз уртача 550–600 га ер майдонига эга бўлган, яъни у икки марта қупайган.⁵⁸

Колхозларни бирлаштириш сиёсатини амалга ошириш жараёнида жиддий хатоларга йўл қўйилган, улар эса янги колхозлар фаолиятида салбий оқибатларга олиб келган.

Тошкент вилояти колхозлари бирлаштирилганда шошқалоқлик ҳолатлари юзага келган, барча партия ташкилотларида колхозлар билан зарурий тайёргарчилик ва тушунтириш ишлари олиб борилмаган. Колхозларни бирлаштиришни ташкил қилиш вазифаси тайёрланмаган ва мутахассисликка эга бўлмаган шахсларга юклатилган. Юқори Чирчиқ районида майда колхозлар бирлаштирилганда бу ишлар ҳар томонлама ўрганилмаганлиги туфайли катта хатоларга йўл қўйилган. Раислар сайланганда бирлашган колхоз раиси хўжаликка раҳбарлик қилиши учун механизацияни, агротехникани ва гидротехникани билиши лозим эканлиги ҳисобга олинмаган.⁵⁹

Оққўрган районида эса вазият ундан ҳам оғир эди. Районда 20 та бирлашган колхоз раисларидан биттаси ҳам ҳеч бўлмаганда урта маълумотга эга бўлмаган.⁶⁰

Андижон вилоятида ҳам колхозларни йириклаштиришда хатоларга йўл қўйилган эди. Вилоят раҳбарлари колхозларни йириклаштиришда ҳаддан ташқари шошқалоқлик қилган ҳолда, баъзи колхозларни фарқламасдан туриб бирлаштиришган.

Район партия қўмиталари ва район ижроия қўмиталарининг колхоз раисларини танлашда формал ёндошганлиги натижасида 77 та қишлоқ хўжалик артелининг раислари саводсиз ва кам саводли эди.

⁵⁷ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 56-варақ.

⁵⁸ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 392-иш, 8-варақ.

⁵⁹ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 3-варақ.

⁶⁰ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 5-варақ.

Колхоз райси муовинларининг 66 фоизи кам саводсиз ёки бутунлай саводсиз эди.⁶¹

Агар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари буйича тайинланган колхоз раисларининг маълумот даражаси куриб чиқилса, ухшаш омилларни Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби вилоятларда ҳам кузатиш мумкин.

Колхозларни йириклаштириш сиёсати нафақат иқтисодий характерга эга бўлган, балки сиёсий - мафкуравий мақсадларни ҳам кузлаган эди. Колхозларнинг партия ташкилотларида улар бирлаштирилгандан кейин жиддий узгаришлар руй берди. 5130 та майда колхоз ташкилотлари урнига, республикада 2977 та янада йирикроқ колхоз ташкилотлари тузилди. Агар бирлаштиришдан аввал 872 та колхозда партия ташкилотлари бўлмаган бўлса, бирлаштирилгандан сўнг эса фақат 32 та колхозда партия ташкилотлари тузилмаган.⁶²

Шундай қилиб, совет ҳукумати жойлардаги партия органлари орқали колхозлар ва колхозчилар фаолияти устидан тула ва қатъий назоратни урнатишга интиланган. Ушбу далиллар Ўзбекистонда колхоз курилишида сиёсийлаштириш жараёнининг янада кучайиши ҳақида гувоҳлик беради.

Ўзбекистонда бу даврда хомашё соҳаси жадал суръатлар билан ривожланди. Шундай тенденцияни Ўзбекистон иқтисодиётининг кейинги ривожланиши учун хос бўлган қуйидаги мисолларда куриш мумкин: 1947 йилга нисбатан 1949 йилда нефтни қазиб олиш 30 фоизга кўпайди, кумирни қазиб олиш 2,5 баробарга ошди, электр қувватини ишлаб чиқариш 25 фоизга, минерал ўғитларни ишлаб чиқариш 32 фоизга, пулат ишлаб чиқариш 41 фоизга ошди.⁶³ Республика саноатининг ривожланишига хос бўлган бундай тенденция Ўзбекистон иқтисодиётининг хомашё характерида эканлигини янада мустаҳкамлаб борди.

Республика раҳбарияти томонидан “Ўзбекистонда яратилган машинасозлик саноатининг асосий вазифаси бу пахтачиликнинг комплекс механизацияси, ирригация-мелиоратив ишлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун зарур бўлган машиналарни кенг миқёсда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобланади”, деб таъкидланди. Шунинг учун, республика саноат корхоналари

⁶¹ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 25-варак.

⁶² Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 57-варак.

⁶³ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 27-руйхат, 385-иш, 57-варак.

директорлари олдига 1949 йилда машинасозлик заводларида махсулот ишлаб чиқаришни 30 фоизга оширишга эришиш вазифаси қўйилган эди⁶⁴.

Ушбу далиллар саноатни, умуман Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг умумий тенденцияси ҳақида яққол далолат беради. Республика иқтисодиёти ва саноатининг ўсиши мазкур даврда ва ундан кейин ҳам биринчи навбатда пахтачилик ва хомашё саноатининг ривожланиши билан узвий боғлаб қўйилди. Марказ босими остида иқтисодиётда биринчи уринда хомашё соҳасини ривожлантириш тенденцияси кучайган ҳамда пахта монополияси ўрнатилган бўлса-да, Ўзбекистон халқининг ижтимоий ҳаёти 1950 – 1960 йилларда аста-секин яхшиланиб борди. Масалан, колхозлар даромади 1953 йилга нисбатан 1958 йилда қарийб 3 млрд рублга ошди. 1957 йилда бир иш кунига туланган меҳнат ҳақи 14 рубль 65 тийинга туғри келган, 1953 йилда эса у атига 8 рубль 62 тийин булган эди.⁶⁵

Умуман олганда, мазкур даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қуйидаги тенденцияни кузатиш мумкин.

Биринчидан, Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, Марказ республиканинг қишлоқ хужалигида пахта монополиясини тула ўрнатиш мақсадида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга яна ҳам қатъий киришди. Ҳатто муаммо шу даражагача бориб етдики, “1950 йилда Усмон Юсуповни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимидан озод қилганларида, унга қўйилган асосий айбловлардан бири “пахтачиликка ажратилган куч ва воситаларни маҳаллий вазифалар фойдасига ҳал қилган” лигида эди⁶⁶. Бутун совет даври тарихидаги каби мазкур ҳолатда ҳам “... умумдавлат ва маҳаллий манфаатлар бир-бирига қарама-қарши қўйилган эди⁶⁷. Марказ манфаати ҳар доимгидек, Ўзбекистон манфаатидан устун қўйилган ва ўзбек халқининг миллий манфаатига, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалаларига иккиламчи бир объект сифатида ёндошилар эди.

⁶⁴ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 2. – С. 365.

⁶⁵ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент. “O‘zbekiston”, 2019. – Б.84.

⁶⁶ Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I китоб. – Тошкент:

“Ўзбекистон”, 1995. – Б. 273.

⁶⁷ Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. I китоб. – Б. 273.

Иккинчидан, Ўзбекистон саноати ва унинг ривожини биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ эди. Шундай бўлса-да, бир қатор саноат корхоналари, туқимачилик корхоналари, электростанциялар қурилган, лекин саноат соҳаларининг ривожланиши ҳам аввало пахтачилик билан боғлиқ эди.

Шунингдек, мазкур даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциясини қуриб чиқадиган бўлса, унинг эътиборли жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлган: 1961 – 1965 йилларда республика ялпи иқтисодий маҳсулотининг ўсиши аввалги беш йилликка нисбатан қарийб 7,1 фоизга, саноатнинг ривожланиши 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 4,0 фоизга ўсиши таъминланган бўлса, маиший хизмат курсатиш соҳаси эса 16,8 фоизга ўсган;⁶⁸ саноатнинг ривожланиши натижасида республикада 1945 – 1964 йиллар давомида Бекобод, Ангрэн, Ғазалкент, Қувасой, Тахياتош, Янгиобод, Янгиер, Навоий, Мўйноқ каби шаҳарлар ташкил қилинди.⁶⁹ Бу эса ўз навбатида аҳолининг ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир курсатди, лекин иккинчи томондан ушбу шаҳарларда қурилган саноат корхоналари учун ишчи ва мутахассислар асосан четдан келтирилди. Натижада республикадаги демографик вазият кескин ўзгариб, янги ташкил қилинган шаҳарлар аҳолиси миллий таркибининг аксарият қисми тўб халқларга мансуб бўлмаган кишилар ҳисобига қупайиши мазкур даврдаги ижтимоий-демографик ривожланишнинг асосий тенденцияларидан бири эди.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши пахта етиштириш билан боғлаб қўйилган эди. Жумладан, XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида пахта ва бошқа экинларни экиш учун 300 минг гектар ерни ўзлаштириш зарур эди. Бунинг учун 34 та давлат хўжалиги ва 34 та пахта тозалаш заводи барпо этилиши мўлжалланган.⁷⁰ Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРнинг пахта хомашёсини етказиб берувчи республикага айланиши янада кучайиб борди. Пахта етиштириш бу фақат ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, балки республиканинг маънавий турмушида ҳам ўз аксини топди. Тошкентда янги қурилган футбол стадионига “Пахтакор” номи берилди, янги ташкил қилинган республиканинг

⁶⁸ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник – Ташкент, 1987. – С. 21.

⁶⁹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти... – С. 8 – 9.

⁷⁰ Мухитов Н. Кремлда ўтган йилларим. 1 қитоб. – Б. 219.

асосий футбол командаси ҳам шу ном билан аталди. 1956 йил 13 августда Марказнинг таклифи асосида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори асосида “Ўзбекистон ССР ҳудудида пахта байрамини жорий қилиш ҳақида”ги қарор қабул қилинди.⁷¹

Аҳолининг ижтимоий ҳаёти урушдан кейинги қийинчиликларга қарамадан аста-секин яхшиланиб борди, лекин булар Ўзбекистоннинг моддий ресурслари ва инсон потенциалини Марказ томонидан аямасдан эксплуатация қилиш ҳисобига амалга оширилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА XX АСР 50-ЙИЛЛАРИДА ФАН ВА МАДАНИЯТ

Ўзбекистонда 1950 йилдан бошлаб фан, таълим, маданият соҳаларида ижобий ўзгаришлар юз бериб, муайян маънода турли ислохотлар кузатилди. Мазкур жараёнларда ўзбек халқининг атоқли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Акрамович Мухитдиновнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш уринлидир. Партия ходими сифатида ўз сиёсий фаолиятини бошлаган Нуриддин Акрамович 11 йил давомида (1946-1957 й.) турли партиявий ва ҳўжалик ишларидан тортиб Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари лавозимигача бўлган мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. “Нуриддин Мухитдинов миллий раҳбар ходимлар орасида одамларни ишонтира олиши, республиканинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини яхши билиши, ўзбек ва рус тилларида раvon ва маънадор сўзлаши, нотиклик маҳорағи билан алоҳида ажралиб турарди”⁷².

Нуриддин Мухитдинов ўз фаолияти давомида Ўзбекистонда фан, маориф, маданият ва санъатнинг тараққий этишида улкан ташаббуслар билан чиқди, бу борада марказ олдиға қатъий талаблар қўя олди. Республикадаги бир нечта илмий-тадқиқот муассасалари, илмий марказлар ҳамда илмий-назарий анжуманларнинг ташкил этилиши унинг номи билан бевосита боғлиқ.

⁷¹ Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. I китоб. – Б. 223 – 224.

⁷² Ражабов Қ. Халққа бахшида умр (II Мухитдиновнинг нури сиймосига чиғилар) // “Muhofaza +”. 2019. № 1. – Б.28.

Хусусан, 1956 йилда Ўрта Осиёда биринчи Ядро физикаси институтининг Тошкентда бунёд этилишида Н.Муҳитдинов катта ташаббус курсатди. Ушбу муассасанинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, Н.Муҳитдинов: “Атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш вазифаси, хусусан, Ўрта Осиёда иқтисод ва илм-фаннинг жадал тараққиётини ҳисобга олганда, мустақил йирик Ядро олий илмгоҳини барпо этиш зарурлигини тақозо қиларди”⁷³. Ушбу институт ядро физикасининг устувор муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланиши белгилаб қўйилган эди. Унинг Ўзбекистонда барпо этилишида жаҳонга машҳур ядро-физик олим И.В.Курчатовнинг Нуриддин Акрамович билан ўзаро дўстона муносабатлари ҳам сабаб бўлган деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон зиёлиларининг I қурултойининг ташкил этилишида ҳам Н.Муҳитдинов катта фаоллик курсатди. 1956 йили СССРнинг ўша пайтдаги раҳбари Н.Хрушчев билан учрашув вақтида мазкур съездни ўтказиш истаги борлигини маълум қилади ва ундан рухсат олади. Ушбу тарихий ҳодисанинг бир қанча аҳамиятли жиҳатларини таъкидлаш ўринлидир. Биринчидан, мазкур съездда қатагон қилинган ўзбек зиёлиларининг оқланиши масаласи биринчи бор тилга олинади. 30-йилларда қатагон қилинганларнинг аксариятини айнан зиёлилар ташкил этарди.

Иккинчидан, саноатни жадал ривожлантириш учун Ўзбекистонга муҳандис ва техник кадрлар ниҳоятда зарур эди. Айнан ушбу анжуманда бу борадаги асосий вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Юқоридаги муҳим жиҳатлар зиёлилар съездининг устувор йўналишлари сифатида қаралди ҳамда шулардан келиб чиқиб вазифалар аниқланди.

Шунингдек, 1956 йил 5 ноябрда Ўрта Осиёда биринчи телемарказнинг Тошкентда очилиши республика тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ўша жараёнлар ҳақида тўхталиб, Н.Муҳитдинов: “Катта миқдордаги телевизорлар бозорларга чиқарилиб, аҳолига сотилди. Аҳолига телевизорларни ўрнатиб берадиган, техник хизмат курсатадиган шахобчалар фаолияти йўлга қўйилди”⁷⁴. Айнан ушбу телемарказ аҳоли ўртасида маданият ва санъат янада кенг тарғиб

⁷³ Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. –Б.253-254.

⁷⁴ Муҳитдинов Н. Река времени. – Москва: “Руст-Рости”, 1995. –С.190.

килинишига, уларнинг дунёкараши сезиларли даражада узгаришига сабаб булди.

1957 йилда Тошкентда шарқшуносларнинг биринчи Бутуниттифок конференцияси ташкил этилди. Унда Иттифок ва бошқа республикалардан келган шарқшунос олимлар иштирок этди. Қайд этиш лозимки, мазкур конференция Совет Иттифокининг Шарқ мамлакатларига булган сиёсатини белгилаб олишда, Шарқ халқларининг бой маданий мероси, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги ютуқларини ўрганиш ҳамда ушбу йўналишда малакали кадрларни тайёрлаш соҳасидаги асосий вазифаларни белгилаб олишда муҳим рол ўйнади.

Конференциянинг Тошкентда ўтказилиши ҳам Н.Мухитдиновнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир. У конференцияда нутқ сузлаб, унинг аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Шарқ халқлари бутун дунё тарихида катта ўрин тутиб келдилар ва тутмоқдалар. Улар бебаҳо моддий ва маънавий бойликларни яратдилар ва худди Ғарб халқлари сингари жаҳон маданияти ва цивилизацияси хазинасига ўзларининг буюк ҳиссаларини қўшдилар.

Хитой ва Ҳиндистоннинг, Миср ва Ўрта Осиёнинг, Эроннинг ва Шарқдаги бошқа мамлакатларнинг мутафаккирлари ва олимлари ўзларининг зийрак ақллари билан узок давом этган тарихий даврда фанга йўл очиб бордилар”⁷⁵.

Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалигига асосланганлиги ушбу соҳадаги фанларни ривожлантиришни тақозо этарди. Шу сабаб, 1957 йилда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ташкил этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Н.Мухитдиновнинг ташаббуси билан республикада тиббиёт фанларининг ривожланиши, қолаверса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинади. Хусусан, 1954 йилда медицина соҳасида илмий конференция ўтказилади. Унда СССР Медицина фанлари академияси вице-президенти, СССР Соғлиқни сақлаш вазири Уринбосари ҳамда соҳанинг йирик олимлари, академиклар иштирок этади⁷⁶. Конференцияда медицина соҳасидаги камчиликлар, айниқса, қишлоқ жойлардаги оналар ва болалар саломатлигини

⁷⁵ Н.Мухитдиновнинг 1957 йил 13 июнда қилган маърузаси // “Қизил Ўзбекистон”, №139. 1957 йил 13 июнь.

⁷⁶ Мухитдинов Н. Река времени -- Москва: “Руси-Рости”, 1995. --С.119.

таъминлаш борасидаги муаммолар хусусида фикр билдирилади. 22 хорижий давлат вакиллари иштирок этган ушбу конференция якунида Эндокринология илмий-тадқиқот институти ташкил этиш буйича қарор қабул қилинади ҳамда унинг раҳбари этиб Ё.Х.Туракулов тайинланади⁷⁷.

Н.Муҳитдиновнинг тиббиёт соҳаси ривожига қўшган яна бир муҳим ҳиссаси Тошкентда (уша пайтда Ўрта Осиёда ягона) Онкология илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш бўлди. Ўз хотираларида у институтнинг бунёд этилишини қуйидагича эслайди: “Москвада бўлганимда узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда ишлаган, соғлиқни сақлаш, миллий мутахассислар тайёрлаш борасида катта хизматлар қилган И.А.Кассирский билан учрашдим ва бу борадаги мулоҳазаларимни билдирдим. У ҳам мазкур фикрни қувватлади. СССР Тиббиёт фанлари академияси президенти А.Н.Бакулов ва йирик онколог Н.Н.Блохин билан маслаҳатлашдик. Улар бундай олий илмгоҳни барпо этиш гоёсига ижобий ёндашиб, бу масалада ҳар тарафлама ёрдам курсатишга ваъда бердилар”⁷⁸.

Албатта, бу каби ишлар Ўзбекистонда тиббиёт фанининг ривожланишида, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларининг янада жонланишига сабаб бўлди.

Н.Муҳитдинов 1952 йил январ ойида, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг раиси бўлиб ишлаган вақтда республикадаги муаммоларни ҳал этиш ҳамда уни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш буйича тайёрланган лойиҳаларни Москвага ВКП(б) Марказий Комитети Ташкилий бюроси мажлисига олиб боради. Мажлис якунида лойиҳаларнинг аксарияти тасдиқланади. СССР Министрлар Советининг 1952 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган кўплаб лойиҳаларни ичида Тошкент Ботаника боғини бунёд этиш ҳам бор эди.

Русанов номидаги Тошкент Ботаника боғининг ташкил этилиши 50-йиллар бошига тўғри келади. Мазкур илмий-тадқиқот муассасаси дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган усимликларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш, ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган турларни кўпайтириш, доривор усимликларни ўрганиш борасида изланишлар олиб боради. Унинг фаолиятини янада

⁷⁷ Муҳитдинов Н. Река времени. – Москва: “Руси-Рости”, 1995. –С.120

⁷⁸ Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. –Б.139.

такомияллаштиришга республиканинг уша вақтдаги раҳбарлари алоҳида эътибор қаратган.

Нафақат, илм-фан ва таълим, балки маданият ва санъатнинг янги босқичга кўтарилиши, янада юксалишида ижобий ишлар кузатилди. Бунга мисол тариқасида Тошкентда 1958 йил августда Осиё ва Африка мамлакатларининг I кинофестивали, 1958 йил октябрда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференцияларини ёдга олиш уринлидир.

Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг очилиш маросимида 1958 йил 7 октябрда КПСС МК Президуми аъзоси Н.Мухитдинов нутқ сузлайди: “Халқимиз адибларни киши руҳиятининг муҳандислари деб атайти. Бу жуда утқир гап. У ёзувчиларнинг олижаноб фаолиятидаги асосий вазифани, чунончи – кишилар онгини шакллантириш, уларни халқлар озодлиги ва бахт-саодати учун қатъий, саботли кураш олиб бориш руҳида тарбиялаш вазифасини характерлайди. Инсониятнинг келажак тақдирида кўп нарса сизларга, бадий сўз санъаткорларига боғлиқдир”⁷⁹.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср 50-йилларида Ўзбекистонда фан, маданият ва санъатни ривожлантириш йўлида кўплаб ижобий ҳаракатлар амалга оширилди. Бу жараёнларда Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари, хусусан, Н.Мухитдинов фаоллик курсатди, фан, маданият ва санъатни янада тараққий этишида унинг шахсий ташаббусларини алоҳида эътироф этиш уринлидир.

⁷⁹ “Қизил Ўзбекистон”, 1958 йил 8 октябр.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле (Воспоминания ветерана войны, труда и Коммунистической партии, работавшего со Сталиным, Маленковым, Хрущевым, Брежневым, Андроповым). Книга первая. О деятельности ЦК КПСС и его политбюро в 50-е годы. Ташкент: Изд. Народного наследия им. Абдуллы Кадыри, 1994. – 320 стр.

Мухитдинов Н. Река времени (от Сталина до Горбачева). Воспоминания. – Москва: «Руси – Рости», 1995. – 656 стр.

Мухитдинов Н. Кремлда утган йилларим. (Сталин, Маленков, Хрущев, Брежнев, Андропов билан биргаликда ишлаган уруш. мехнат ва партия фахрийси эсдаликлари). 1 китоб. КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий Бюроси фаолияти (50-йиллар). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – 368 бет.

Мухитдинов Нуриддин //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 6. –Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти, 2003. –Б. 202.

Бобоев Ф., Хайитбоева Ш. Шарқ ва шарҳ // ”Muhofaza+”, 2019. № 7. –Б. 29.

Бобоев Ф. Ўзбекистон худудининг кенгайиши // «Innovative ideas, developments and current problems of their application in production as well as in training» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Андижон, 2019. –Б. 221-222.

Бобоев Ф. Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг ривожланиши ва ундаги муаммолар // Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2019. –Б. 20-25.

Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. 4-11 июня 1957 г. –Ташкент: Изд. АН Узбекской ССР, 1958. – 1064 стр.

Раджабов К., Замонов А. История Узбекистана (1917 – 1991 годы). Учебник для учащихся 10-классов средних образовательных учреждений и средне-специальных, профессиональных образовательных учреждений. 1-издание. Переводчик: Т. Бобоматов. –Ташкент: Издательско-полиграфический творческий дом имени Гафура Гуляма, 2017. – 144 стр.

Rajabov Q., Zamonov A. O'zbekiston tarixi (1917 – 1991 yillar). O'rtta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rtta maxsus, kasb-hunar ta'limi

muassasalarining o'quvchilari uchun darslik. 1-nashri. –Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – 144 bet.

Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. –Тошкент: “O'zbekiston”, 2015.

Ражабов Қ. Халққа бахшида умр (Н.Мухитдиновнинг нурли сиймосисига чизгилар) //”Muhofaza+” (Тошкент), 2019. № 1. –Б. 28 – 29.

Ражабов Қ. Таниқли арбоб //”Muhofaza+”, 2019. № 2. –Б. 31.

Ражабов Қ. Бунёдкорлик (А.Ниёзов фаолиятига чизгилар) //”Muhofaza+”, 2019. № 3. –Б. 31.

Ражабов Қ. Тарихнинг унутилмас саҳифаси (Собир Камолов сиёсий фаолиятига чизгилар) //”Muhofaza+”, 2019. № 4. –Б. 26 – 27.

Ражабов Қ. Шарафли йул //”Muhofaza+”, 2019. № 5. –Б. 28 – 30.

Ражабов Қ. Давр долғалари (Иномжон Усмонхужаев сиёсий фаолиятига чизгилар) //”Muhofaza+”, 2019. № 6. –Б. 28.

Ражабов Қ. Қатъият ва қадрият (Ёдгора Насриддинова сиёсий фаолиятига чизгилар) //”Muhofaza+”, 2019. № 7. –Б. 23.

Ражабов Қ. Маърифат фидойиси (Раҳмонкул Курбонов сиёсий фаолиятига чизгилар) //”Muhofaza+”, 2019. № 8. –Б. 24.

Ражабов Қ. Шижоатли қалб соҳиби (Нормуханмади Худойбердиев сиёсий фаолиятига чизгилар) //”Muhofaza+”, 2019. № 9. –Б. 26.

Ражабов Қ.К. Ўзбекистоннинг унутилган раҳбари (Собир Камолов сиёсий фаолиятига дастлабки чизгилар) //Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт). (Республика илмий-амалий конференция материаллари) [Жиззах. 2019 йил 26 апрель]. –Тошкент: “VNESHINVESTPROM”, 2019. –Б. 231 – 234.

Ражабов Қ. Усмон Юсупов – ўзбек халқи ардоғидаги сиймо //”Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар” халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. Том II (2019 йил 21 – 24 май). –Чирчиқ, 2019. –Б. 139 – 141.

Ражабов Қ. Амин Эрматович Ниёзов фаолиятига чизгилар //Тарихий хотира – узликни англаш ва миллий-маънавий тараққиёт омиллари. Республика аънаваный илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро, 2019. –Б. 107 – 109.

Рашидов Ш. Фан ва маданият юксалиши // "Muhofaza+", 2019. № 8. –Б. 26-27.

Рашидов Ш. Нуриддин Муҳитдиновнинг қатағон қилинганларни оқлашдаги ташаббуси // “Қуйи Зарафшон воҳасида амалга оширилган қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари масалаларини ўқитишнинг самарали усуллари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами (2019 йил 25 июнь). – Навоий, 2019. –Б. 123-125.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: Н. Жураев. –Тошкент: “Шарк”, 2000. – 688 бет.

Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O’zbekiston”, 2019. – 560 бет.

Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O’zbekiston”, 2019. – 576 бет.

I съезд интеллигенции Узбекистана (11 – 13 октября 1956 года). Стенографический отчет. –Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. – 340 стр.

“Қизил Ўзбекистон” газетаси (Тошкент; 1945 – 1961 йиллар).

“Правда Востока” газетаси (Тошкент; 1950 – 1960 йиллар).

Мундарижа

Халққа бахшида умр.....	3
Нуриддин Муҳитдиновнинг Ўзбекистонда қатагон қилинган миллий зиёлиларнинг оқланишидаги роли.....	5
Нуриддин Муҳитдинов сиёсий раҳбарлиги даврида Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг ривожланиши ва ундаги муаммолар.....	11
Ўзбекистон ССР худудининг узгариши ва унинг республика иқтисодиётига таъсири.....	17
Ўзбекистонда XX асрнинг 50-йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.....	22
Ўзбекистонда XX аср 50-йилларида фан ва маданият	31
Фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати.....	36

Қаҳрамон Ражабов

НУРИДДИН МУҲИТДИНОВ

Тошкент-2019

Муҳаррир: Бегзод Келдиёров

Саҳифаловчи: Отабек Файзуллаев

Дизайнер: Василий Бурцев

«Ilm ziyo zakovat» nashriyoti. Litsenziya: 11 №274. 15.06.2015.

Bosishga ruxsat etildi 11.09.2019. Format 84x60 1/32. «Times New Roman» garniturasida ofset usulida bosildi. Nashr bosma tabog'i 2.5. Shartli bosma tabog'i 2.5. Tiraji 138.

Buyurtma № 80.

«ADAD PLYUS» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent shahri, Buniyodkor ko'chasi, 28-uy.

